

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2006 йил, 9 март, пайшанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 46 (10.603)

Баҳоси эркин нарҳда



«ШАРҚ ГУЛИ»: ИМКОНИАТЛАР САРИ

ТОШКЕНДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «ШАРҚ ГУЛИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТНИНГ БУГУНГИ КУНДА ЎЗ ЎРНИ ВА НУФУЗИ БОР. НЕГАКИ, ҚОРХОНАНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ ҚИЗЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН СЎЗНА, ПОПОП, ГУЛ КЎРПА, ПАЛАК, ЧОЙШАБ ВА ЁДГОРЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ХАРИДОРЛАР ЭЪТИБОРИДАДИР.

Муҳими, бу ерда жамоанинг уюшқоқлиги ишининг унуми ва сифати яхши самара бермоқда. Бунинг натижасида қизлар фақат каштачилик буюмларини эмас, балки келин-куёв либосларини тикшига ҳам улгуршияпти.

Таъкидлаш кераки, қорхона раҳнақиди

янгиликка интилиш, маҳсулот турини кўпайтириш ва хариддорлигини ошириш, ички ва ташқи имкониятлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Утган йили жамият қошида ишга туширилган «Шарқ модели» Ўзбекистон-Туркия қўшма қорхонаси фаолияти айнан шу мақсадга қаратилгандир.

Қорхонада болалар, ўсмирлар, аёллар ва эркаклар учун икки юз хилдаги трикотаж кийим-кечаклар ишлаб чиқариляпти. Қисқа фурсатда мазкур жамоа ўз хариддорларини ҳам топиб улгурди. Айни кунда улар тиккан маҳсулотлар мамлакатимизга ҳамда Россия, Америкага экспорт қилинмоқда.

ЎЗА СУРАТДА: «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти қошидаги «Шарқ модели» Ўзбекистон-Туркия қўшма қорхонаси нақш (кашта) тикиш бўлимида.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кеча сатрларда

- **КЕЧА** Шайхонтохур туманидаги «Илгор» маҳалласида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимидаги ҳамкорликларида «Аёлга эҳтиром-ибратли мерос» мавзусида ўтказилган байрам тадбирида маҳалланинг фаол аёллари, ёшлари иштирок этишди.
- **СЕРГЕЛИ** туманидаги «Ёшлик» маҳалласида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида фаол аёллар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Аёлларнинг жамиятдаги ўрни» деб номланди.
- **ЎТГАН** куни Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 2-кутубхонасида «Дунё аёлдан бошланади» мавзусида «Миришкор» маҳалласининг фаол аёллари, китобхоналар иштирокида ўтказилган адабий кеча Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланди.
- **«ЗАРАФШОН»** концерт залида Юнусобод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ўтказилган тадбир «Меҳр зиёси-шарқ аёли тимсолида» деб номланди.

ЖАМИЯТ КЎРКИ ВА ТАЯНЧИ

АЁЛЛАР — ЖАМИЯТ КЎРКИ ВА ТАЯНЧИ, МЕҲР-МУРУВВАТ, ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ. ХОТИН- ҚИЗЛАРНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ, УЛАРГА ГАМХЎРЛИК КЎРСАТИШ ХАЛҚИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИДА БИРИДИР. АЁЛЛАРНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА ЯНГИ ҲАЁТ, ЯНГИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШДАГИ, ЮРТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР, БУЮК БУНЁДГОРЛИК ИШЛАРИДАГИ УЛУШИНИ, СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ВА ВОЯГА ЕТКАЗИШДАГИ ЎРНИНИ ХАЛҚИМИЗ, ВАТАНИМИЗ ЮКСАК ҚАДРЛАЙДИ.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар кўмитаси томонидан 7 март куни ўтказилган тантанали байрам тадбирида ана шулар ҳақида гап борди. Бу ерда мунис онахонлар, турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган фидойи аёллар, иқтидорли қизлар тақдир этилди. Илғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди. Мамлакатимиз Президенти Ислам Қари-

- **БУГУН** Сергели туманидаги Амир Темура маҳалласида Фидокорлар миллий демократик партияси, «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлимидаги ҳамкорлигида уюштирилган тадбир «Депутатнинг бурчи ва ваколатлари» деб номланди.
- **БУГУН** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 1-кутубхонасида китобхоналар иштирокида туман солиқни сақлаш бўлими ҳамкорлигида «Шифокор билан маслаҳат» мавзусида уюштирилган давра суҳбати Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.
- **БУГУН** Ҳамза туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан етакчилар иштирокида уюштирилган семинар миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга бағишланди.
- **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 126-мактабда туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман халқ таълими бўлими, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИХ туман бўлими ҳамда «Маҳалла умидлари» маркази ҳамкорликларида «Қизлар — миллат келажаги» мавзусида ўтказилган кўрик-танлов 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишланди.
- **МИРЗО** Улуғбек туман ҳокимлигида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, Республика «Маҳалла» жамғармаси ва унинг Тошкент шаҳар бўлими, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар «Оила» маркази ҳамкорликларида «Ёшлар — келажагимиз» мавзусида Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган амалий анжуман бўлиб ўтди.
- **289-МАКТАБДА** «Маҳалланинг намунали қизи» мавзусида ўтказилган кўрик-танлов Бектемир туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, туман халқ таълими бўлими, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 мартдаги қарорига мувофиқ аъло хулқи, зуққолиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан истеъдодини намойён этаётгани ҳамда адабиёт, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган иқтидорли қизларга совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлар топширилди.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров меҳри дарё оналаримизни, опа-сингилларимизни байрам билан қутлади ва ўзининг янги шеърини ўқиб берди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали талабаси Замира Палуаниёзова, Бухоро санъат коллежи талабаси Моҳичера Шомуродова юртимизда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камол топтириш ва истеъдодини тўла намойён этиши учун барча шароитларни яратиб бериш борасида гамхўрлик қилаётгани учун Юртбошимизга миннатдорлик изхор этдилар.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг ашула ва рақслари байрам дастурига янада фойз бахш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатасининг Спикери Э.Халилов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ
ЕВРОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА 2000 ЙИЛ 10 ОКТЯБРДАГИ ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА БАЁННОМАНИ (САНКТ-ПЕТЕРБУРГ, 2006 ЙИЛ 25 ЯНВАРЬ) РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 9 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённома (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2006 йил 7 март.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЕВРОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА 2000 ЙИЛ 10 ОКТЯБРДАГИ ШАРТНОМАГА ҚЎШИЛИШ ТЎҒРИСИДА БАЁННОМАНИ (САНКТ-ПЕТЕРБУРГ, 2006 ЙИЛ 25 ЯНВАРЬ) РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 9 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

Ўзбекистон Республикасининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиш тўғрисида Баённома (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2006 йил 7 март

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Марказий офицерлар уйида Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан уюштирилган тадбирга ҳарбий соҳада хизмат қилаётган аёллар тақдир этилди. Тадбирда Мудофаа вазирлиги тизимидаги хотин-қизлар байрам билан табрикланди, хизматда ўрнатилган бир гуруҳ аёлларимизнинг ҳарбий унвони оширилгани маълум қилиниб, уларга совғалар топширилди.
- Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Япония ҳукуматининг кичик ижтимоий лойиҳаларга бегараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида грант-шартномалари имзоланди. Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган ушбу грантларнинг умумий қиймати салкам 404 минг АҚШ долларидан иборат бўлиб, мазкур маблағ Сирдарё, Фарғона, Бухоро вилоятларидаги айрим умумий ўрта таълим мактаблари, шифо масканларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга йўналтирилади.
- Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Тошкентдаги Замонавий санъат марказида иқтидорли мусавир Людмила Содикованинг кўргазмаси ташкил этилди. Унда мўйқалам соҳибасининг турли йилларда яратган энг сара асарлари намойиш этилмоқда.
- Сурхондарёлик пиллакорлар давлатга пилла этказиб бериш шартнома-мажбуриятини мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажариб келишди. Вилоятда бу йил ҳам бир миллион 800 минг туп тут кўчати экилиб, янги тут плантациялари барпо этилди.
- Конимех туманидаги «Қизилқум» ширкат хўжалиги маркази — Учтепа овулида «Қизилқум ёшлари камолот сари» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ Навоий вилоят Кенгаши томонидан ташкил этилган анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшларга яратилаётган шароитлар, уларнинг орзу-интилишлари ҳақида тўхталиб ўтишди.
- Бухорода «Қандли диабетнинг долзарб муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда бир нечта хорижий мамлакатлар олимлари ҳам иштирок этди.
- Наврўз байрами арафасида Мирзаобод туманидаги Янгиовул маҳалласида болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Қаровсиз ётган майдонда қад ростлаган спорт мажмуаси баскетбол, волейбол, футбол, югурш бўйича машғулотлар ўтказишга мўлжалланган. Эътиборли жиҳати шундаки, қурилиш ва ён атрофдаги ободонлаштириш ишларининг барчаси маҳалла аҳли томонидан хашар йўли билан амалга оширилди.
- Навоий шаҳридаги маданият ва санъат коллежида академик лицей ва коллеж талабалари ўртасида «Энг иқтидорли ёш истеъодли-2006» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ушбу тадбир вилоят Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси, вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, «Камолот» ЁИХ вилоят Кенгаши ва истеъодлилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.
- Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд драма ва мусикали театри туманларда анъанавий ижодий сафарлар уюштириб, турли-туман тадбирлар ўтказмоқда. Жумладан, театр яқинда Иштихон туманида Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб ўз ижодий дастурларини намойиш этди.

ЖАҲОНДА

- **ХАМАС** тез орада Фаластин мухтор ҳукумати тузади. Лекин кўпчилик сиёсатдорлари хайратга солган ҳолда бу галги ҳукумат таркибига ФАТХ вакиллари кирмай қолишлари мумкин. Гап шундаки, ушбу сиёсий қучлар ўртасидаги келишмовчилик Фаластин парламентининг биринчи мажлисидаёқ юзага чиқди.
- Кувайтнинг Миллий мажлиси Оммавий ахборот воситалари ва матбуот тўғрисидаги янги қонунни тасдиқлади. Унга кўра, энди ҳукумат суд қарорисиз журналистларни ҳибсга олишга ҳақли эмас. Шунингдек, янги қонунда белгиланганига кўра, сўнгги 30 йил ичида мамлакатда биринчи бор янги газета ва журналлар чиқарилишига рухсат берилди.
- АҚШда Закария Массаяу устидан суд ҳараёни давом этмоқда. У 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркда юз берган террорчилик хуружини тайёрлашда айбланаётган ягона кишидир. Француз фуқароси З. Массаяу «Ал-Қоида» жангарилари Ҳажон савдо маркази ва Пентагон биносига ҳужум уюштиришдан сал олдин ҳибсга олинган эди. Прокурорларнинг фикрича, «Ал-Қоида» режаларидан хабардор бўлган, бироқ уларга қўшилиб улгурмаган Массаяу ўлим жазосига ҳукм қилиниши мумкин.
- Покистон хавфсизлик қучларининг Шимолий Вазиристоннинг Мироншоҳ, Мир-Али шаҳарларида аксилтеррор амалиётларини амалга ошириши натижасида «Толибон» ҳаракати тарафдорларидан бўлган 50 нафардан зиёд киши йўқ қилинди.
- **ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ**
Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 9 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмади.
Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-5, кундузи 15-17 даража иссиқ бўлади.

Маънавият — ақл кўзгуси

ШИРИН СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ

Сўз қаттиги эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгилларни гирифтор айлар.

Алишер НАВОЙИ

ИНСОННИЙ ФАЗИЛАТЛАРДАН БИРИ ХУШМУОМАЛАЛИК, ШИРИНСУХАНЛИКДИР. БИР КАЛИМА ДАГАЛ СЎЗ КЎНГИЛНИ ВАЙРОН ҚИЛСА, БИР ОФИЗ ШИРИН СЎЗ ДИЛНИ БЎСТОН АЙЛАЙДИ, ОДАМГА ХУШ КАЙФИЯТ, ЯХШИ РУҲ ВА КУЧ-ҚУВВАТ БАҒИШЛАЙДИ.

Ширин сўзи, мулоийм хулқи ва хушмуомала бўлиш инсон боласининг бахти, насибаси, обрў-иззатидир. Бундай яхши тарбия олган ёшлар катталар билан муомала-муносабатда, меҳнатда, ишлаётган жамоада ўзини эркин тутати. Дағал сўз эса ҳаммининг, сўз эгасининг ҳам кайфиятини бузади.

Бир куни шундай воқеа бўлди. Имтиҳон бораётган эди. Бир шаддод қиз имтиҳон билетини олди, ёқмади шекилли бошқасига алмаштирди. Ўқитувчи буни кўриб

турган бўлса ҳам, абитуриентга раҳми келдими, ҳар қалай индамади. Анча тайёрлангандан кейин шу қиз саволларга жавоб бера бошлади. Унинг жавоблари пойинтар-сойинтар эди. Ўқитувчи унга саволлар юзасидан қисқа, аниқ гапиришини айтди. Шу пайт шаддод қиз бетга чопарлик қилди:

— Нима, мен хато гапиряпманми? — деди у норози оҳангда. — Сиз гапимни бўлганингиз учун янглишиб кетдим!.. Шаддод қизнинг ана шу дағал, ситам-

кор сўзи ҳаммани ранжитди, саволларга мутлақо жавоб беролмай, қонирсиз баҳо олиб чиқиб кетди. Уйлаб қолдик, бу қизни оилада, мактабда яхши тарбия олган, деб бўлмади.

Оилада болаларни ёшлиқдан ширинсуханликка ўргатиш керак. Бунинг учун ота-оналарнинг ўзлари бир-бирларига илиқ гапиришлари, иззат-ҳурмат кўрсатишлари, айниқса, болалар олдига асло бир-бирларини хафа қиладиган бирор гап айтмасликлари лозим. Бунда айниқса ёш оилалар ўрнат бўлишлари керак.

Маълумки, бола тақлидчан бўлади. Улар нимани эшитсалар, шуни ўзлаштириб оладилар.

— Мубор, галстугим қани, ер ютдими, кеча шу ерга кўюдим-ку? — деди эр хуб бўлиб.

Болаларни кийинтираётган Муборакхон:

— Вой, адаси, манаку, кўрмасиз, — деди галстукни узатиб.

Зум ўтмай:

— Хой, Мубор, костюмим қани, олиб бер! — сўради эр.

— Шафда осиглик, ола қолинг, — деди Муборакхон.

— Олиб берсанг, қўлинг синадими? — деб ўшқирди эр яна.

Бу оилада вояга етаётган Мунира, Маъмур, Мунислар ҳам худди ота-оналари каби бир-бирлари билан кўпол муносабатда бўлиб, ака, опаларини сенсираб гапирдилар.

Фозиллар айтди:

Хушгап сўзни юмшоқлик ва келишув билан айтди, Кўнгулга келадиган юз гам унинг сўзи билан қайтади.

Иқбол кутубхонага келиб, кутубхоначидан бир китоб сўради. Кутубхоначи Иқбол сўраётган китобнинг йўқлигини билган, ачинаиб қолди. Негаки, Иқбол кутубхоначи аёлга шундай назокат билан мурожаат этди-ки, унга рад жавобини бериш мумкин эмасди... Кутубхоначи унга эртага хабар олишини айтди.

Эртаси куни Иқбол китобни олиб, шундай севиндики, кутубхоначи Сайёра опага қайта-қайта раҳмат айтиб, уйга қайтди. Қараса, китобга қўшни кутубхона муҳри босилган экан. Қизча дарров фахмлади. Яхши сўзнинг ёқимли таъсири бўлади-да, опа қизни мамнун этиш учун шу ишни қилибди. Минг раҳмат!

Муомала маданияти инсон ҳаёти, фаолиятида муҳим ўрин тутуши билан бирга, минглаб ёш авлодни атрофдагиларни тарбиялашга ёрдам беради.

Кўнгул торлари шунчалик нозикки, бир сўз билан узилмиш муқаррар. Бир оғиз ширин сўз инсон кўнглини тоғдек кўтариб, унга куч-қудрат, руҳ бағишлайди. Айниқса, кексалар кўнгли ниҳоятда нозик бўлади.

Бир-бирларига нисбатан иззат-ҳурмат, қадр-қиммат инсон фаолиятини мукаммал қилади. Мукаммал инсоннинг ҳар қачон муроди ҳосил бўлади, мушқули осон, ҳождати равон бўлади, — деб ўқитишган фозиллар.

Ситорахон РАҲМОНБЕКОВА

Хикматлар

ОДОБ ВА ИЛМ — ИНСОН ЗИЙНАТИ

● Умрнинг ҳамма соатларини фойдалани ва соғлиққа мувофиқ машғулот билан тўлдиринг. Қайгу-алам бош суққани жой топмасин.

● Жоҳил билан тортишиб ўтирган олим ҳурмат кутмасин. Агар жоҳил сўзлаб, олимни сукут эттирса, таажуб қилманг, чунки тош гавҳарни синдира олмайди.

● Яхши фазилатли бўлиб кўринишда маъно йўқ. Асл маъно чинакам фазилатли бўлишдадир.

● Инсоннинг улўғлиги ўз нафсини тийиш ва тарбия қилиш кучига эга бўлиш билан белгиланади.

● Уч нарса ақлга куч беради — олимлар билан суҳбат, тажриба ва сабот. Уч нарса ақлга зарар келтиради — тadbирсизлик, ҳафсаласизлик ва шошқалоқлик.

● Роҳат ва саломатликни истаган киши бирор нарсага ҳаддан зиёд муҳаббат боғламаслиги ёки ундан нафратланмаслиги, ўринсиз ва ортиқча сўзлашган чекинши, ҳар кимга ишониб кетавермаслиги керак.

● Олий ҳимматли, мард одам бир лаҳзада дўст орттиради, пасткаш ва бебурд одам эса узок йиллик дўстлигига бир лаҳзада раҳна солиб, барбод қилади.

МАЪЛУМКИ, НЕЧА ЮЗ ЙИЛЛАР АВВАЛ ЯШАБ, ИЖОД ҚИЛГАН БУЮК АЛЛОМАЛАРИМИЗ ВА УЛУҒ УСТОЗЛАРИНИГ БЕБАҲО БОЙ МЕРОСИ БУГУНГИ КУНДА ҲАР БИРИМИЗНИНГ, АЙНИҚСА ЁШ АВЛОД ОНГИ ВА ШУУРИНИ ШАМЧИРОҚ СИНГАРИ ЁРИТИБ, МАЪНАВИЯТИНИ БОЙТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Тadbирлар

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

Яқинда Республика рассомчилик коллежиди «Маънавиятимиз даҳоларига эҳтиром» деб номланган маданий-маърифий тadbир бўлиб ўтди.

Кечада таниқли санъатшунослар, рассомлар, адабиётшунослар, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этдилар. Айниқса, тadbирга Ўзбекистон халқ рассоми, академик Малик Набиевнинг ташрифи ўқувчиларга катта қувонч бағишлади. Талаба-ёшлар муҳтарам устозларини олқишлаб, гулдастalar билан қарши олдилар. Тadbирда таниқли ҳайкалтарош



рош Аҳмадjon Шоймуродов сўзга чиқиб Самарқанддаги Навоий ҳайкалининг яратилган жараёнидаги иштироки хусусида, шунингдек, Алишер Навоий номидаги метро бекатида буюк аллома асарларига бағишлаб ишланган расмлар ҳақида батафсил сўзлаб берди. Шунингдек, тadbирда сўз олган Ўзбекистон санъат арбоби, таниқли рассом Ортиқали Қозоқов, рассом Содик Раҳмоновлар ҳам ҳазрат Навоий ва Бобур сиймоларини яратган таниқли устоз рассомларимиз ижодига тўхталар экан-

лар, уларнинг ижоди ёшлар учун ибрат мактаби эканлигини алоҳида таъкидладилар. Шундан сўнг коллеж талабалари томонидан тайёрланган театрлаштирилган томошалар, мумтоз куй-қўшиқлар намойиш этилди. Тadbирда коллеж ўқувчиларининг буюк алломаларимиз асарларига бағишлаб яратган миниатюра асарлари кўргазмаси кўпчилигининг диққат-эътиборини тортди.


Гулором ҲАМИДОВА

СУРАТДА: тadbирдан лавҳа.

Музейларда

НОДИР ВА БЕБАҲО МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНДИК

ЎТМИШ ТАРИХИМИЗНИ ЎРГАНМАЙ ТУРИБ КЕЛАЖАКНИ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ АЛБАТТА. ТАРИХИМИЗ ЗАРВАРАҚЛАРИДА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, АНЪАНАЛАРИМИЗ, БУЮК ДАҲОЛАРИМИЗ БОЙ МЕРОСИ, ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ЎТМИШИ ЎЗ АКЦИНИ ТОПГАН. БУНДАЙ БОЙ МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ БЎЛГАН НОДИР АСАРЛАР, ТОПИЛМАЛАР ШАХРИМИЗ МУЗЕЙЛАРИДАН МУНОСИБ ЎРИН ОЛГАН.



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи Давлат музейи Марказий Осиёдаги бой тарихга эга бўлган илмий-маърифий маскан ҳисобланиб, 120 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. Музей ҳазинасида бугунги кунда 250 мингдан ортиқ бебаҳо археологик осори атиқалар, нумизматика, этнографияга оид экспонатлар, шунингдек, архив маълумотлари сақланмоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг тарих фанининг энг сўнгги тadbиротлари ва ютуқлари негизда тош даврдан то ҳозирги кунларимизгача бўлган даврларни қамраб олган янги экспозиция ташкил этилган.

— Музей Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрелдаги 203-сонли қарорига мувофиқ бир неча музейларни бирлаштириш асосида қайта ташкил этилган, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон тарихи Давлат музейи директори Жаннатхон Исмоилова. — Музей — Янги тарих, Мустанкилик, Фонд, Архив ҳамда Илмий оқартув бўлиmlаридан иборат. Музей кўп тармоқли илмий-тadbирот муассасаси ҳисобланиб, йирик тарихий-маданий ёдгорликларни сақловчи ҳазина, тарихий билиmlарни тарғиб қилувчи марказ вазифаларини бажариб келади. Бу ерда олиб бориладиган илмий-тadbирот ишларининг асосий йўналишлари музей қадриятига эга бўлган ёдгорликларни йиғиш, ўрганиш ва сақлаш, ҳужжатлаштириш, коллекцияларга ажратилиш, илмий асосланган илмий концепциялар ишлаб чиқиш, доимий экспозиция ва кўргазмалар тузиш ва мавзу-экспозицион режаларини ишлаб чиқишдан иборат. Кўп йиллик фаолияти давомида музей ходимлари томонидан олиб борилган кенг қўламли илмий материал тўплаш ва экспонат йиғиш ишлари натижасида анча бой ва салмоқли ёдгорликлар тўпланган. Уларнинг умумий қўлами 250 мингдан зиёд экспонатдан иборат бўлиб, шундан 60 мингдан ортигини археологик, 80 мингдан зиёдини нумизматик ва 16 мингдан ортигини этнографик ёдгорликларни ташкил этади. Ҳозирги кунда музей экспозициясида 10 мингга яқин экспонатлар намойиш қилинмоқда. Музей фондларидан Ватанимиз тарихига оид ашёлар тўпланган бўлиб, шундан Юнон-Бактрия, Кушон, қўнча Хоразм, Нохшаб, Бухоро ва Чочда зарб қилинган тангалар алоҳида диққатга сазовор. Бу тангалар маҳаллий ҳўқмдорларнинг қиёфаси, қабила белгилари ёки тамгалари зарб қилинганлиги билан қизиқлиш ўй-

отади. Экспозицияда шунингдек, Ўрта Осиёда ҳўқмронлик қилган тоҳирийлар, сомониёллар, қўрақонийлар, темирлийлар, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларига мансуб сулолалар томонидан зарб қилинган тангалар тўла-тўқис намойиш этилган. Улар орасида этнографияга оид ёдгорликлар, маданий-тарихий ва бадий аҳамиятга эга бўлган уй-рўзгор буюмлари, кийим-кечак ва хўнармандликка доир буюмлар ҳам ўрин олган. Шунингдек, музей архив ва кутубхонага эга бўлиб, унда тарихий аҳамиятга эга материаллар ва ноб китоблар мавжуд.

Шуни таъкидлаш керакики, музей фаолияти давомида олимлар томонидан бир қатор илмий асарлар, илмий-оммабоп монографиялар, мақолалар тўплами, илмий каталог, альбом, буклет ва кўрсаткичлар ҳамда мактаб ўқувчилари ва талабалар учун илмий-ўқувчи қўламаналар нашр этиб келинмоқда. Музей ёдгорликлари ҳорижда ўтказиладиган кўргазмаларда мунтазам намойиш этилиб, жаҳон жамоатчилиги диққатини ўзига жалб этмоқда. 2003 йилдан бошлаб Фан ва технология маркази гранти лойиҳалари асосида олиб борилётган тadbиротлар Ватанимиз тарихининг долзарб мавзуларига бағишланган. Бу тadbиротлар асосан музей фондларида сақланётган коллекцияларни ўрганиш ва тadbирот этиш билан узвий боғлиқдир.

Айни кунларда музейда Маъмур академиясининг 1000 йиллигига бағишланган кўргазма, шу ойда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига, апрель ойида Ўзбекистон Халқ амалий санъати музейида (XIX-XX аср) от аслаҳалари кўргазмаларини ташкил этиш, шу билан бирга май ойида Қарши шаҳрида музейлар фестивалида иштирок этиш режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда музейда чоп этилган монографиялар, ўқув қўламаналари, буклетлар, оқритка тўпламлари ҳамда музей қошида ташкил этилган семинарлар, ўқув дарслиқлар, амалий машғулотлар ва илмий конференциялар орқали Ўзбекистон тарихи Давлат музейи Ватанимиз тарихини ёшлар ўртасида тарғиб этиш ва уларнинг онгида Миллий истиқлол ёлларини шакллантиришда маънавий-маърифий марказ сифатида муносиб ҳисса қўшмоқда.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон тарихи Давлат музейи фаолиятдан лавҳалар
Тоҳир Нигматуллин олган сурачлар



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Бир куни Анушервон танҳо ўтирган эди. Шу орада унинг олдига Юнон, Муъбад, Фаррухзод, Бузургмехр ва бошқалар кириб келишди. Анушервон уларга қараб деди:

— Бу катта анжуман бўлди, Келинлар, ҳар биримиз биттадан хикматли гап айтилик, токи сўзимиз бошқаларга ибрат бўлсин!

Сўнг Муъбадга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Муъбад деди:

— Икки нарса борки, улар бир-биридан яхшидир. Масалан, хўнар билимдан яхши, иш эса сўздан афзал.

Анушервон:

— Батафсил тушунтир! — деди.

Муъбад давом этди:

— Ҳар кимнинг хўнари бўлмаса, у қуруқ девор билан тенг. Ҳар кимнинг сўзи чиройли бўлса-ю, иши ёмон бўлса, фойдасиз шамол кабидир.

Анушервон Хуршидга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Хуршид:

— Жаҳонда икки нарса бор, ўша икки нарсадан ҳеч нарса яхши эмас, биринчиси — хурсандчилик, иккинчиси — беозорлик, — деди.

Анушервон:

— Кенгроқ тушунтир! — деди.

Хуршид:

— Ҳар ким бориға қаноат қилиб хурсанд яшаса, ҳеч кимга эҳтиёжи қолмайди. Кимки ҳеч кимга озор бермаса, ҳеч кимни хафа қилмаса, ҳеч кимдан хавф етмайди! — деди.

Анушервон Бузургмехрга қараб:

— Сен нима дейсан? — деб сўради.

Бузургмехр:

— Эй Анушервон, одамлар куйидаги нарсаларга амал қилмасалар, ҳеч қачон хурсандчилик юзини кўрмайдилар: масалан, бориға қаноат қилмаса, етолмайдиган нарсасига интилса, бировнинг қўлидаги нарсасига тамаъ кўзи билан қараса! — деб жавоб берди.

Анушервон ундан ҳам кенгроқ тушунтиришни сўради, у деди:

— Хурсанд шундай кишики, нима топса, ўшанга қаноат қилади, топганига шуқур қилиб, умрини гамсиз ўтказида. Тамаъ ва очкўзлик эса ўз жонини қийнашдир. Тамаъ-гир ва очкўз киши ҳеч қачон рост йўлдан юрмайди, ҳамиша кўнгли иллатли бўлади. Ҳар ким ўзини яхшилик йўлига солса, ҳамма ёмонликдан омон бўлади, жаҳонда тинч ва осуда яшайди.

Анушервон Юнонга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Юнон шундай деб жавоб қилди:

— Етти нарса борки, ҳар ким бу етти нарсасига амал қилса, дунёда яхши отли бўлади. Биринчи — дунёда донолар маслаҳати билан иш қилса, иккинчи — ўз ватанида бўлса, учинчи — одил бўлса, тўртинчи — сабрли бўлса, бешинчи — қайсар бўлмаса, олтинчи — фойдасидан бошқаларни ҳам баҳраманд қилса, еттинчи — камтар бўлса!

Анушервон Юнондан ҳам бу сўзларни кенгроқ тушунтиришни сўради. Юнон деди:

— Маслаҳат марваридга ўхшайди, одамларни тош деб ҳисобланса, шу тошлар орасидан бирорта марварид сўз чиқши мумкин. Ишни ўз жойида муносиб ҳолда қилмасанг, зиёни етади. Одиллик билан иш қилинса, бу ишга ҳеч ким қарши чиқмайди. Сабр ва чидам барча мушқул ишларни енгиш қалитидир. Қайсарлик эса энг ёмон ҳислат. Камтарлик барчанинг ҳавасини ва хўрматыни кўзгатадиган ёқимли одатдир!

Анушервон бу хикматларнинг ҳаммасини ёзиб қолдиришга фармон берди.

«Жовидони ХИРАД»

Суҳбатдошнинг фикри ўз суҳбатдошига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам донолар: «Ўрик ўрикни кўриб ранг олади» деб айтганлар. Назм:

**Яхшиларнинг суҳбати шодон қилур,
Кўр, қизил гул боғ ичин хандон қилур!
Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ**

Дўст билан суҳбат қурмоқ гуллар орасида сайр қилмоқ ва гўзаллар нағмасига қулоқ солмоқдан хушдир.

«ОТАЛАР СЎЗИ»

**Эй биродар, мунофиққа бўлма улфат,
Ким улфатдур боши узра юз**

минг кулфат.

Аҳмад ЯССАВИЙ

Уйларига меҳмон кўнмайдиган кишилар энг ёмон одамлардир.

ҲАДИС

**Доно суҳбатидан сира қочмагил,
Таъсири ўтказар сенга ҳам у тил.**

Носир ҲИСРАВ

Бу дунёда бемаъни гапларни кўп гапирадиган одамнинг гуноҳи қиёмат кўни кўп бўлади.

ҲАДИС

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлаган

